

Фикҳ 197- дарс. Ислом шариатида бир масалада икки хил кўрсатма келган бўлса...



19:00 / 18.08.2022 2759

لَعُجْمَانِ» لَأَق مَلَسُو هِيَلَع لَلِإِلَصِّبِنَلِنَعُ، هُنَعُ هَلَلِإِيضَرَ رَيْرُهُ بِأَنَع
نَمَلُ هَلَلِإَعْمَسَ لَأَق إِذِإُو، أُوْعَكَرَافَ عَكَرَ إِذِإُو، أُوْرَبَكَفَ رَّبَكَ إِذِإِي هَبَّ مَتُّوَيْلُ مَأْمِلِإِ
أُولِصَفَ أَسَلِإَجِ لَصَ إِذِإُو، أُوْدُجَسَافَ دَجَسَ إِذِإُو، دُمَحَلَلِ كَلَوَ أَنْبَرُّ مَهَلَلِإِ: أُولُوقَفُ هَدَمَحُ
هُسَمَحَلُأُ هَاوَرُ. «نُوعَمَجَأُ سُوْلُجُ

يَّتَحُ أُوْرَبَكَتُ أَلُو أُوْرَبَكَفَ رَّبَكَ إِذِإِي هَبَّ مَتُّوَيْلُ مَأْمِلِإِ لَعُجْمَانِ» دُوَادُ وَبَأُ طَفَلَوُ
أُوْدُجَسَتُ أَلُو أُوْدُجَسَافَ دَجَسَ إِذِإُو، عَكَرِي يَّتَحُ أُوْعَكَرَتُ أَلُو أُوْعَكَرَافَ عَكَرَ إِذِإُو، رَّبَكَي
«دُجَسَي يَّتَحُ

سُمْتُ هِيَدَقَلِإِ هَضَرَمِي فَوُهُ «أَسُوْلُجُ أُولِصَفَ أَسَلِإَجِ لَصَ إِذِإِ» هُؤَلُوقُ: يَدِيْمَحَلَلِ لَأَق
مَلُ، أَمَأِي قُهُ فَلَخُ سَأَنَلِأُو أَسَلِإَجِ كَلَدَدَعَبُ مَلَسُو هِيَلَع لَلِإِلَصِّبِنَلِ لَصَ
هِيَلَع لَلِإِلَصِّبِنَلِ لَعُفَنُ مَرَحُ أَلِإِ، رَحُ أَلِإِ دَخُوَيْ أَمْنِإُو، دُوْعُقُ لِبَابُ مَهْرُمَأِي
يِرَاحُ بَلُأُ هَاوَرُ. مَلَسُو

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Имом унга эргашилиши учунгина қўйилгандир. Такбир айтса, сизлар ҳам такбир айтинглар. Рукуъ қилса, сизлар ҳам рукуъ қилинглар. «Самиъаллоху лиман ҳамидаҳ», деса, «Аллоҳумма

Роббанаа ва лакал ҳамд», денглар. Сажда қилса, сажда қилинглари. Ўтириб намоз ўқиса, барчангиз ўтириб намоз ўқинг», дедилар».

Абу Довуд келтирган лафзда:

«Имом фақат унга эргашилиши учун қўйилгандир. Такбир айтса, сизлар ҳам такбир айтинглари. У такбир айтмагунча сизлар такбир айтманглари. Рукуъ қилса, сизлар ҳам рукуъ қилинглари. У рукуъ қилмагунча сизлар рукуъ қилманглари. Сажда қилса, сизлар ҳам сажда қилинглари. У сажда қилмагунча сизлар сажда қилманглари», дейилган.

Хумаидий айтади:

«Ўтириб намоз ўқиса, барчангиз ўтириб намоз ўқинг», деган сўзлари у зотнинг илгариги бетобликларида бўлган. Бундан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яна ўтириб намоз ўқидилар, одамлар эса ортларида тик туришди. У зот уларни ўтиришга буюрмадилар. Албатта, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламинг амалларидан энг охиргиси олинади».

Бухорий ривоят қилган.

Биринчи ривоятдаги «Ўтириб намоз ўқиса, барчангиз ўтириб намоз ўқинг», дейилган гап ҳақида бир оз тушунтириш бериш лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапни отдан йиқилиб туриб, ўнг ёнбошлари жароҳатланганда, у зотни кўргани келган саҳобаи киромларга ўтириб имомлик қилаётиб айтганлар.

Лекин ҳозирда ўтириб имомлик қилган кишига ўтириб иқтидо қилинмайди. Агар имом ўтириб имомлик қилса ҳам, қавм тик туриб иқтидо қилади, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этишларидан олдинги беморликларида ўтириб имомлик қилганларида саҳобаи киромлар тик туриб иқтидо қилганлар.

Умуман, Ислом шариатида бир масалада икки хил кўрсатма келган бўлса, иккисидан охиргисига амал қилинади. Биринчиси мансук, иккинчиси носук бўлади.

Ушбу усулий қоидани имом Бухорийнинг шайхлари Хумаидий иккинчи ривоятда баён қилиб бермоқдалар.

Шунинг учун жумҳур уламолари: «Ўтириб намоз ўқийдиган имомга тик туриб иқтидо қилинади. Иқтидо қилувчи тик туришга қодир бўла туриб, имомига эргашаман деб, ўтириб намоз ўқиши жоиз эмас», дейдилар.

Имо қилувчи имо қилувчига иқтидо қилиши жоизлиги икковларининг ҳоли бир хил бўлган ҳолат учундир. Аммо имом ёнбошлаб, муқтадий ўтириб, имо билан намоз ўқиши жоиз эмас.

Нафл ўқувчи фарз ўқувчига иқтидо қилиши жоизлиги фарз намози нафлдан кучли бўлганидандир.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди